

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга
кўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича**

Ш А Р Т Н О М А

Наманган ш.

59 - сон

2022 йил "25" авго

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Наманган вилояти Кўриқлаш бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиги подполковник **Х.Э.Абдуллаев** (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, "**Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази**" номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош врачи **Н.Ониевчурхан** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

1-БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ижрочи миллий гвардия кўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-БОБ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. **Буюртмачи** Наманган вилояти Кўриқлаш бошкармаси, Наманган шаҳар Кўриқлаш бўлими «ТҚМ» ходимлари томонидан Наманган шаҳар, Н.Номонгоний кўчасида жойлашган ““Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази наркотик ва психотрон моддалар саклаш омборини”ТҚМ”орқали 20.00дан 08.00гача, дам олиш кунлари 24-соат ҳамда марказ хазинахонасини дам олиш кунларисиз соат 20.00дан 08.00гача кўриқлаш мақсадида (кейинги ўринларда обьект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласи.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички обьект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички обьект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, обьектда 90 иш куни ичида миллий гвардия хизмати кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

7. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-БОБ. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

8. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати ойига **сарф-ҳаражатлар сметасида кўрсатилган нарҳларда;**

9. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

10. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

11. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12. Буюртмачи қуидаги ҳуқуқларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни ундириш.

13. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган **2022 йил "Х" аееваръ** даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постларо алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни обьект худудининг девор тўсигидан 15 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, обьектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижроини бундай ишларнинг бошланишидан камида 30 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижроини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар обьектни - ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТКПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг обьектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг обьектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланаётган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан обьектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки обьектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва обьектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қиласлиқ;

Ижрочи вакилларини обьектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш.

14. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан обьектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

15. Ижрочининг мажбуриятлари:

обьектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ обьектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланаётган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

обьектда кириш-чиқиш ва обьект ички тартибига риоя этиш, обьект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган обьектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан обьектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

обьектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

обьектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

обьектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва обьектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва обьектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва обьектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

обьектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда обьектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта обьектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, миллий гвардия кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

16. Мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

17. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлади, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

19. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

20. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

21. Қўйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буортмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

22. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-БОБ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

23. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-БОБ. ФОРС-МАЖОР

24. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

25. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

26. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

28. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

29. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича - Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижроига Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

30. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қиласа, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрои Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

31. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрои мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

32. Ижрои кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижроини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишида маълум қиласи.

34. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9 БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Ижрои

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Наманган вилоят
Қўриқлаш бошқармаси

Юридик манзили: Наманган шаҳар, Сирғали
кўча, 20а-үй

Тел: 227-28-43, 227-15-55

Банк маълумотлари: Марказий банк ХККМ
Наманган вилоят Бош бошқармаси

Хисоб рақами: 21596000100193328001

МФО: 00021 СТИР: 200046854

ОКОНХ: 97920

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Наманган вилоят Қўриқлаш бошқармаси
бошлиғи подполковник

Х.Э.Абдуллаев

(имзо, мухр)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY GVARDIYASI
NAMANGAN VILOYATI
QO'RIGLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY
EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI

2022 y. « 19 » 01 da

40

RAQAM BILAN

IMZO

Буюртмачи

“Наманган вилоят қўп тармоқли тиббиёт
маркази

Юридик манзили:

Наманган вилоят қўп тармоқли
тиббиёт маркази

Тел:

Манзил: Наманган шаҳар

Н.Номонгоний кўчаси 9-үй

шхр.401421860144017073101054002

Х/р:

СТИР: 200056390, ОКЭЛ: 91511

МФО:

Х/р: 23402000300180001010

ОКОНХ:

Марказий б. Тошкент ш. ХККМ

МФО: 00014. СТИР: 201122919

“Наманган вилоят қўп тармоқли тиббиёт
маркази
Бош врачи



Н.Омарзояев

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардияси
Наманган вилояти "Кўриклилан" бошкармаси
бошлини подполковник

Х.Э.Абдулаев

"5" аибадо 2022 йил

Кўриклиш бўйича ТКМ хизмати таркибини саклаб туриш учун кишинадиган сарф-харажатлар СМЕТАСИ № 59


T/ p	Кўрикка олинган объект номи	Манзили, Телефон раками	Kÿpriklassan Boschitiga Vip Pharmatia MHT Boschitiga cohni	Kÿpriklassan Boschitiga Vip Pharmatia MHT Boschitiga cohni	Кўриклиш вақти (соат)			Ёргача бир оийлик Кўриклиш саати	Ёргача бир оийлик Бир саатта	Кўриклиш нархи (сўм)	
					Иш кунлари	Байрам олди кунлари	Дам олиш кунлари				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Наркотик ва психотроп моддалар саклаш омбори	Наманган шахар Н.Номонгоний кўчаси 9-үй	МКТВ	TKM	1	20-08	20-08	08-08	426	6256	2665056
2	Реанимация Наркотик ва психотроп моддалар саклаш омбори	Наманган шахар Н.Номонгоний кўчаси 9-үй	МКТВ	TKM	1	20-08	20-08	08-08	426	6256	2665056
3	Хазина хона	Наманган шахар Н.Номонгоний кўчаси 9-үй	МКТВ	TKM	1	20-08	20-08	20-08	365	6256	2283440
	Жами :										7613552

Кўрсатиладиган хизмат учун бир ойлик хизмат хаки:**7613552 (Етти миллион олти юз ўн уч минг беш юз эллик икки) сўм.**

Наманган вилоят КБ МИБ
бошлини лейтенант

Рахимов А.О.Махмудов

Наманган вилоят кўп тармокли тиббиёт
маркази бош хисобчиси



Наманган вилоят кўп тармокли тиббиёт

маркази бош врачи

Г.з. Омоноваибадо 2022 йил

Наманган вилоят кўп тармокли тиббиёт

маркази бош врачи

Г.з. Омоноваибадо 2022 йил